

АДАБИЁТ ВА САМЪАТ

НАФОСАТ ХАЗИНАСИ

ЎЗБЕК халқининг кўна ўтмиши ва келажак маданиятини ўздак ас элтирган кўп қабил нобат экспонатлардан ташкил топган музей миллий маънавиятимизни кўзгусига айланган. Чиндан ҳам Ўзбекистон халқ амалий санъати музейининг том маънода нафосат хазинаси деб айтиш мумкин.

Мазкур қошона очилганга ярим асрдан ортиқ вақт ўтди. Бу йиллар мобайнида музей жойлашган бинонинг кўргазма залларига қайта сайқал беришиб, янада нафис бўлиши таъминланди. Унинг «Меҳмонхона» деб аталиб келатган марказий залини ҳозир дид билан безаш ишлари давом эттирилмоқда. Бу гоёт нозик ишнинг бир қисми муваффақиятли тугалланди. Йил охиригача залини таъмирлаш ишлари ниҳоятини қилишди.

Саодат ОДИЛОВА.

Буёқ сиймоларимиз

АХМАД ЯССАВИЙ

ТАРИХ — сирлар тўла сандиқдир. Унда ҳали биз билмаган ҳақиқат-ҳисобсиз сир асрорлар қанча экан! Номлари бизга ҳудди кашфиёт янги туполодидан сиймат сиймолар унинг саҳифаларидан унсиз, нажотсиз бизга термулиб турган бўлса ажаб эмас.

Маданият ва маънавиятимизда энг юқори ўрин эгаллаган Ҳожа Аҳмад Яссавий ана шундай улғу эллардан биридир.

Дастлаб Аҳмад Яссавий шахси ҳақида, у Иброҳим шайх бин Маҳмуд шайх бин Ифтикор шайхнинг фарзандидир. Онасининг исми эса Корасок мома. Аҳмад Яссавийнинг боқибаси фазл камолга етиб, то ҳануз туркий халқларимизнинг тилида, дилида бераҳёт яшаб келётгани ота ва онанинг ҳам юксак инсоний фазилатлар эгаси эканидан далolatдир.

Аҳмад Яссавий тасаввуф шайхри оқимининг атоқли намояндасидир. XI—XII асрдаги ёзма адабиётда етакчи оқим бўлган тасаввуфнинг бир неча буёқ вақиллари бўлган. Булар Моваруннаҳрда доғ тарафат устод Юсуф Ҳамадоний, Ҳожа Абдураҳмон Гимдувоний ва ниҳоят уларнинг талабаси бўлган Ҳожа Аҳмад Яссавий.

Яссавийнинг дилбар шайхри асарлари «Девони ҳикмат» номи билан бир неча марта чоп этилган. У шахонинг бир неча мамлакатларида жуда машҳур бўлиб кетган.

Яссавий ижоди — ўзбек адабиёти тарихидаги энг ариқин саҳифалардан бири саналади. Шунга қарамай унинг ижоди ҳақида яқин-яқингача бир-бирига эид фикрлар билдириб келинган. Жумладан, 1961 йилда чоп этилган «Ўзбек шеърини антологияси» китобининг иккинчи жилдида куйдагилар битилган: «Аҳмад Яссавий анча тadbирли киши бўлган. У ўз давридаги қолоқ оммага қандай таъсир қилишини яқин бил-

ган». Яна бир жойда эса унга реакция, мистик унсони таққилан.

Бу йил Яссавий ҳикматлари катта китоб ҳолида чоп этилди. Унинг ҳар бир сатрининг маъмунини чуқур аниқлаб ўқилса, марзини қақилса, «ҳикмат» деб аталган шеърлар ўзгача бир маъно касб эта бошлайди. Ҳожа Аҳмад Яссавий ижодида дунёнинг ноҳал озорлари, пинҳони мой устида нодонларни хусусида кўп сўзланади, ҳақ жомолага мушарраф бўлиш учун бу дунё лаззатларидан кечин голлари илгари сурилади.

Энди эътибор берайлик: нодонлар, қуруқ саватлар бизга ёқадими? Дунёнинг ноҳал озорларидан биз ҳозир ранж чекма-яқимизми? Агар дунё лаззатининг асоси — ҳалол меҳнат бўлса, ушбу ҳалол меҳнатни қилмаётмишимиз!

Худди шу жиҳатдан олиб қараганимизда Яссавий шеърини ўзининг яна бир кийрагини намоён этади. Унинг шеърларида бу каби гулранг қирралар бисёрдир. Маънавий қадриятларимизни тўла-тўқис ўрганмас эканмиз, ўз буй-бастимизни ҳақ қонч ўлаб кўрولмайми. Маънавий қадриятлар минглаб шафқоф булоқлардан бошланган. Шундай булоқлардан бири Аҳмад Яссавийнинг—Мағрибу Маширида, Чину Мочинда номи машҳур зоти шарифнинг ижодлари 200 жылдан иборат «Жаҳон адабиёти кутубхонасига киритилган бўлса ҳам, биз уни яқин-яқинда танидик. Шарқда «Гуноҳин ювишининг биринчи белгиси — тан олмақ, тавба қилмоқдир» деган нақл бор. Туркистонда табарруқ тупроқининг фарзанди, мубоқалонимиз Аҳмад Яссавий, у сингари манба бераҳётлар руҳи поки олдиде ҳаммамиз бирдек бурчлимиз.

Куйида Аҳмад Яссавий ҳикматларидан намуналар эълон қилмоқдамиз.



РОССИЯ ИШОНДЛИҚ РОСТОВ-ДОН

«Ростов-Дон» бирлашмаси меҳнат жамоалари анжуманининг қатнашари янги шундай қарорга келдилар: СССР Кўмир sanoati вазирлиги тобелигидан чиқиб, Россиянинг ихтиёрига ўтиш керек. Бундан аввал қончилар Россия Федерацияси ҳукуматидан бу йил ҳамда келаси йилда дотация аввалги даражада қолиши, кўмир учун тўланадиган ҳақ яқин орада қийинчи ҳақида тушунтириш олган эдилар. Бу шахтёрларнинг маоши кўтарилишига имконият яратди. Бундан ташқари меҳнат жамоалари ишлаб чиқариш бирлашмасидан чиқиб, янги тузилмаларни тузиш ҳуқуқини саклаб қоладилар.

КАСАЛЛИК КЎЧАНИНГ ЭЗИДА АНИҚЛАНАДИ

ОДЕССА. Шаҳарда яшовчи ҳар бири киши шифокорларга мурожаат этмай, кўчада кетатган вақтда ҳам ўз алверини аниқлаши мумкин. Шаҳар кўчаларига Одесса халқор биознергетика ва биознергетология илмгоҳи «Физика» да яратилган ташхис (диагностика) асбоблари ўрнатилди. Уларда тахминан аллергия кўзатиши мумкин бўлган нарсалар бор. Баданга ўрнатилган узатгичлар эса у ёки бу модда инсонга зарарли ёки зарарсиз эмаслигини шу захотиёқ хабар қиладилар.



Ленинграддаги «Фарфор» тажриба заводи-нинг мутахассислари чинидан тайёрланадиган ёдгорлик — соғва буюмларининг янги хилларини ишлаб чиқмоқдалар. Ишлаб чиқилган илғор технологиялар эса тармоқнинг бошқа корхоналарига ҳам тақлим этилмоқда. Хўжалик юртишининг янги усулларига ўтган ушбу корхона бу борада шу йилнинг ўзайдаги турли корхоналар билан 400 миң сўмлик шартномалар тузди.

СУРАТДА: «Фарфор» тажриба заводининг маҳсулотлари.



Ҳозир гуллар етиштирадиган табиат шайдонларини кўлаб учратганимиз мумкин. Ўзининг боғида гулсафсар ва саллагул ўстириш билан шуғулланадиган гулчилар учун эса «Гулсафсар ва саллагул-91» экспозициясига ташириш буюришини тақлим қилмади. Москода Кўтузов кўчасидаги кўргазмалар залига борган киши ҳаваскор болболлардан жуда кўп масъалалар олиши мумкин. Бундан ташқари кўргазмадаги ёрмин гулларини харид қилса ҳам бўлади.

СУРАТДА: кўргазма залда.

С. Налачев [ТАСС] сура.

ТАЪТИЛГА ЧИКИШДИМИ ЕКИ ИШДАН БУШАТИЛДИЛАРМИ?

ИЖЕВСК. Ушундай вақтлар кенгашининг ҳарорига асосан Ижевск шаҳрида телекурсету ва радиоэлектроник республика комитети тугатилди. Унинг раиси эса лавозимидан бўшатилди. Кейин яна бир воқеа ошкор бўлиб қолди: комитетнинг барча ходимлари нисдан бўшатилган экан. Лекин иккинчи ойга, Тезтил даври тугаши билан «Удмуртия» давлат телерадиокорпорациясини ташкил этиш ҳамда шартномалар тузиш йўли билан ходимлар олиш реналаштирилмоқда.

(ТАСС). Мухаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.



1991 йил — Ўзбекистонда Алишер Навоий йили

550 йил

МЎЙҚАЛАМ ТАСВИРИДА



НАВОИЙ мавзуси, унинг асарларини безаш — мусаввирлар учун катта ифтихор ва айни пайтда маҳорат синови эканлиги ҳеч қимга сир эмас. Ўзбекистондаги моҳир мусаввир борки, улар улғу шoir даҳосига мурожаат этадилар, албатта.

Алишер Навоий асарларида миниаторлар ишлаш, унинг девонларини безаш Навоийга замонадош бўлган, унда кейин яшаган мўйқалам соҳибларининг севикили машғулотлари бўлган. Хусусан пирани мусаввир Намоллидин Беход, Маҳмуд Музаҳҳирлар бу борада катта мерос қолдирганлар.

Беходнинг бебаҳо истеъдоди ҳақида гап кетганда, қаерда бўлмасин ҳамсуҳбатлар татрифташга сўз йалаб, сукот сақлаб қоладилар. Чиндан ҳам унинг мўйқаламига мансуб сурачларга бир назар ташланг. Қанчалар латиқ, қанчалар нозик, қанчалар жонли! Худди сиз ҳам беихтиёр ов ҳайқиринига қўшилиб кетаётгандек, донлар суҳбатидан баҳраманд бўлаётгандай бўласиз.

Ехду Навоийнинг дўсти Султон Ҳусайн Бойқаро сиймосига қаранг. Унда дотлаб қоплон тақдир шикоят қатъият акс этади. Айни лаҳзада эса қандайдир илқ

нафосат, дарчил руҳ ҳам намоян. Бу унинг шoirлигидан далolat. Мусаввир учун шу икки лаҳзани омухта қилиш қанча уйқусиз тунларнинг, беҳалолат кунларнинг меваси бўлди экан! Сурачлар Беходнинг улкан бетимсол истеъдоди меваси бўлса, айни пайтда шoirи калон Навоий ҳазратларига мўжабат рамиз ҳамдир.

Хаттотлик аввало нозик-таъбилик, хушхатлик демандир. Бу борада тенгсиз Султон Али Машиҳадийнинг муборак хатчўши билан қўчирилган Навоий асарлари фикринизга қаранг.

Алишер Навоий девонидан кўчирилган сурачта эътибор беринг. Харфларнинг ноизиклиги, зеру вақларнинг ниҳоятда кўркам қўйилиши ва иккинчи саҳифадаги мунаваар нақшлар ҳаттотнинг олди хат битувчи эмас, назоқатли санъаткор эканлигидан далolat беради. У шунчалар хокисор эканини девон сўнига исмини ҳам ёзмабди.

Ўзбекистонлик мийобуёқ усталири ҳам уаига хос Навоийнома яратдилар десак, хато қилмаган бўламиз. Шу ҳақида сўз юритар эканмиз Ўзбекистон ССР халқ расоми Абдулҳақ Абдуллаев рақам чеккан ҳазрат Алишер сурачти ҳақида тўхталмоқ жоиздир.

Оддий ва камтарин, нуру

ХОТИРАЛАР САҲНАДА ГАВДАЛАНАДИ

АТОҚЛИ ҳинд аргисти ва улкан киносанъаткори Раж Капурунинг номи бутун дунёга машҳур. Катта қалб ва истеъод эгаси ўзбек дёбирида ҳам бир неча мардта бўлиб санъатимиз намота яндалари билан яқиндан дўстлашган эди.

ЖОНЛИ ВА ЁРҚИН

ТАНИҚЛИ мўйқалам устаси Неъмат Қўзабевнинг халқчил ижоди қўлини санъат муҳлисларига яқин таниди. Рассом инсон маҳд улғу зот — оналарини таътиврилар яратиб, ўз улўшини қўша олди.

Шуни мамнуият билан айтиш жоизки, оналарини улғулаш устоз санъаткорнинг шоғирдлари учун ҳам илҳом манбаи бўлиб қолди. Уминдлик рассом Ф. Файзуллаев ҳам шу илҳомнинг дотлаб бораётган истеъодлардан бири ҳисобланади. У чинган икки асар «Она ўйла-

ДИЛДА—ГЎЗАЛ ОРЗУЛАР

ОЛАМНИ сеҳрлаб дотур садоси, хонаданнинг ширали овозидан дилларин ром этган қўшиқ инграляпти.

Қўшиқим **кўра сарв ўлдур, гўчила ийрон, гул-тикон, Дахр боғи кўра мундоқ гулистоне топидамим.**

Алишер Навоийнинг бу мисраларини хонанда дотур торларини — юрак торларини охишта чертиб, шаршара бўлиб оқабатдан ёқимли оҳан билан қалбага аюйиб хузуру бағишлаб, яқро этипти. Ҳа, Жалолхон ака Холиқов куйляпти.

Хонанда камтарин, хушмуомалали, одоб сарчашмаси тинич, кампағ одам. Ўшликдан қўшиққа илҳос қўйган Жалолхон ака, ўн икки ёшда наманганлик машҳур созадлар ва ҳофизлар билан Катта Фарғона канални қурилиши қатнашчилари ҳузурида хонинг қилган.

Жалолхон ака мусиқа ва қўшиқ санъатининг гоғтайда сенеди. Уруш йилларида ҳам жанг қилиб, ҳам аскарлар орасида ўзбек қўшиқларини куйлади. Тинч йилларда Наманган вилояти мусиқали драма театрида, сўнг шаҳар маданият уйида мусиқа раҳбари бўлиб ишлади. Худди шу йилларда хозир таниқли хонандалар Намоллидин Раҳимов, Тўлалбой Солижонов, Соли Абдуллаев, Фахриддин Қодиров, Қаҳрамон Йўлдошевлар унинг хузурига келиб, мусиқа ва хонандалик санъатидан илқ бор таълим олдилар. Жалолхон Холиқов қўшиқча халқ куйларини, мутақаббил қўшиқлардан Навоий, Ҳофиз, Машраб, Бобур, Муҳимий, Фурқат, Чустий, Ҳолиқ, Гафуров, Шўхрий гавазалари, Анвар Ҳожи, Усмон Носир, Ҳамид Гулом, Зулфия ва бошқа шоирларнинг лирик қўшиқларини ўн басталаган ва куйлаган.

У Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони Э-маданият уйи қошидаги «Ваёт» халқ дастасида ишлади. Даста билан биргаликда республикамиз, мамлакатимиз бўйлаб неҳди, бир неча хориний мамлакатларда бўлди. Унинг ижросида ўзбек халқ кўшиқлари Останининг концерт аялида, Москва Олимпиадасида, Польшадаги фольклор байрамларида ингради. Турли совринлар билан тақдирланди.

Хонанданинг онаси — санъаткорлар онаси. Жалолхон ақанинг рафиқалари ва фарзандлари ҳам ёшликдан санъатга меҳр қўйишган эканлар. Жалолхон ақанинг фарзандлари Мухриддин, Ҳусниддин, Қаҳрамон, Шаҳрибидин, Тўлқинлар ҳам ширалди, ёқимли овозлари билан санъат шинавадиларига танилди. Улар мусиқа таълимлари устиде муттақис ишлашмоқда. Шаҳрибидин ва Мухриддин Холи-

ҲИКМАТЛАР

Ҳеч билмадим нечук кечти умрим менинг, Сурач бўлса, мен қул анда неқилгаймэн.
Негек бўлмай йўлга солсанг мен оғзимни, Сурач бўлса, мен қул анда неқилгаймэн!
Йўлдин чиқиб озғонинг билмадим мен, Ҳақ сўзини қўлоғимга билмадим мен,
Бу дунёдин кетерини билмадим мен, Сурач бўлса, мен қул анда неқилгаймэн!
Ўтканиларим ибрат олиб йўлга кирмай, Наво йарғид айиб анда ўртаб-ёймай,
Кеча-кундуз юрмишмен ўзин билмай, Сурач бўлса, мен қул анда неқилгаймэн!
Жонинг чиқиб танинг ётур тор лаҳадде, Сўргучилар келиб сўра ул қолатде,
Оқар ёшма, кетар хушум ул вақтиде, Сурач бўлса, мен қул анда неқилгаймэн!
Гоғилликда юрдинг сен итдек кезиб, Танинг ётур тор лаҳадде асру шимиб,
Иш қилмадинг сен Тангрига кўксинг тешиб,
Сурач бўлса, мен қул анда неқилгаймэн!
Қул Ҳожа Аҳмад, бу дунёда тавба қилғил.
Тавба қилиб йўл бошида бориб турғил.

Хос қўллардек озқингин олиб юргил, Сурач бўлса, мен қул анда неқилгаймэн!

Аё дўстлар, харобиликда кетти бошим, Қилай эмки ҳасбу қолим баён эмки.
Карвон кетти жусту жабдуқ манзил ошти, Ташна бўлғач қилдим оҳу ағдон эмки.
Марғаб яғир, юкми оғир, ўзум гағини, Ҳазрат бирлан аилу хушим кетти тамини.
Ўтти нарсон, кўздин гоғиб бўлдимкуми, Боруру ерми билмасмен қайи эмки.
Бу қолатде ул Азронил келса ногох, Исиғ тандин жонин олгай воҳсарто.
Олур шайтон инмонинг қилур расво, Биродарлар, аро йўлда қолдим эмки.
Ул қолатде сўз айтурга йўқтур дармон, Ўчиб қолғай вужуд ичра шамми мном.
Қизил гулдек юзунг бўлғай илсип сомон, Кириб бўлдуру ер остига ниҳон эмки.
Кел эй хайиғ, бу ишлардин хабар олғил, Тавба қилиб доғим олоҳ сари борғил.
Қул Ҳожа Аҳмад дунёдиндин ўтуб ёнғил, Шояд қилғай пирну муғон назар эмки.

Ижодий уюшмаларда

«ҚАЛБИМИЗ ИЛҲОМГА ТЎЛИБ-ТОШГАН...»

Ҳадемай, пойтахтимиздаги театрларнинг шайдолари бири-кетини кўтарилди: улар янги ижодий мавзусини бошлайдилар. Санъат шайдолари концерт залларига, томошоғоларга ошқардилар, бастакорларимизнинг янги яратган куй ва қўшиқларини жон қўюлари билан тингиллядилар.

Мухбиримиз Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг расми Аҳмад Ҳамидович Жабборов билан учрашиб, уюлма фаолияти ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилди.

— Ҳозир, ўзингиз яқин биласиз, ҳамма ерда буюқ бобомиз Алишер Навоийнинг 550 йиллик муборак тўйларига қизгин тайёргарлик кетмоқда. Бастакорларимиз ҳам бу кутлур санаини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бу йил икки марта навоийхонлик кечаси ўтказилди. Кечалда машҳур олимларимиз Азиз Қоомов, Аликбек Рустамов, Суома Гааниевалар иштирок этишди. Улар Навоийнинг фаолияти, ҳаёти, асарлари таҳлили хусусида маъмулий маърузалар ўқиди. Айниқса Суома Гааниеванинг «Навоий ва санъат» мавзусидаги кўшқин сўзлари йиғилганларда катта таассурот қолди. Ўз навбатида мусиқашунослар ҳам актив иштирок этишди. Тухтасин Гафурбеков, Отаназар Матқубовларнинг сўзлари эфр қоничи билан тингилляди.

Маърузалар билан бир қаторда бастакорларимиз Навоий шеърлари асосида тайёрлаган қўшиқлар ижро этилди.

Худди шундай яна бир катта тadbирга пухта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бу тadbир

«Навоий ва мусиқа» деб аталиб, унда иттифондор республикаларнинг таниқли олимлари, бастакорлари, қўшиқчилари қатнашдилар. Ушбу тadbирни Ўзбекистон ССР Маданият вазирилик, Бастакорлар уюшмаси, Ҳамма номли санъатшунослик илмгоҳи ва Тошкент Давлат консерваторияси биргаликда тайёрламоқда. Тadbирнинг муҳим томони шундаки, унда Навоий, унинг давридаги мусиқа ривожига улғу шорининг қўшган ҳиссаси ҳақида хилма-хил матрузалар билан бир қаторда катта концерт бериши ҳам кўзда тутганимиз. Концертда Ўзбекистон симфоник оркестри, Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, макомчилар гуруҳи, ҳофизларимиз иштирок этадилар.

Бастакорларимизнинг ўзи ҳам Навоий ижодида катта эътибор билан қарамоқдалар. Мутал Бурхоновнинг «Алишер Навоий» операси шoir номидаги Катта театрининг саҳнасида муваффақият билан кўйилляпти. Яна бир иштирокчи бастакоримиз Ўзбек Мусав «Хамса» достоналари асосида уч қисмдан иборат балет яратди. Унинг ҳозир ҳиссада сўниги репетициялари ўйналмоқда. Балет Навоийнинг юблеил кунинда премьераси ўйналади. Булардан ташқари Мустафо Вафоев, кенса бастакорини Саффи Жалиллар ҳам хилма-хил жанрларда мусиқа асарлари яратдилар.

Хуллас, бастакорларнинг юраги ижод завқи билан тўлиб-тошган. Улар истеъодларини олғай маназур қилиш учун бор-имкониюларини аямайдилар.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ

Эсиб олди.

Қовлар Тошкент маданият илмгоҳида. Хусниддин Глиер номи республика мусиқа мактабиде тахсил кўрди. Улар оталарининг табарруқ йўлини давом эттириб, репертуарларини янги куй қўшиқлар билан бойитмоқдалар.

— Оилами, — фарзандларимиз билан қайси қўшиқ бўлмасин, хоҳ у лирикми, мутақаббилми ижро этиб, қўшиқлардан гулдаста тақ-

дим этиб, халқимизнинг олқиништа сазовор бўлган эканми, бундан фахрланмасдан бўладими, — дейди Жалолхон ака.

Ҳа, Жалолхон ака ва унинг фарзандлари кўлида сўзи, ширали овози билан қўшиқ қўйлаб, дилда гўзал ораулар билан элга хизмат қилмоқда.

НОДИРА АБДИРИМОВА, СУРАТДА: Жалолхон Холиқов.

Мухаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.



ТАЪТИЛГА ЧИКИШДИМИ ЕКИ ИШДАН БУШАТИЛДИЛАРМИ?

ИЖЕВСК. Ушундай вақтлар кенгашининг ҳарорига асосан Ижевск шаҳрида телекурсету ва радиоэлектроник республика комитети тугатилди. Унинг раиси эса лавозимидан бўшатилди. Кейин яна бир воқеа ошкор бўлиб қолди: комитетнинг барча ходимлари нисдан бўшатилган экан. Лекин иккинчи ойга, Тезтил даври тугаши билан «Удмуртия» давлат телерадиокорпорациясини ташкил этиш ҳамда шартномалар тузиш йўли билан ходимлар олиш реналаштирилмоқда.

ТИЖКОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЛЕКТОРЛАР УЙИДА

(Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй)

ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Араб ва инглиз тилларини билувчи, бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи кишилар учун!

72 соат ичида Сиз араб ва инглиз тилларида иш юзасидан мулоқот олиб бориш маҳоратини такомиллаштиришингиз мумкин.

Экспресс-курс-семинарларида (алоҳида курсларда) машғулотларни сўридан келган ва Тошкент шаҳрининг илмий муассасаларидан бўлган юқори малакали мутахассислар олиб боришади.

Таълим қийматига чунончи, 36 сўзлашув мавзедан иборат услубий материал ва бизнес бўйича мавзе лугатлари ҳам киради.

Таълим учун нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.

Ўқишни тамомлаганларга диплом топширилади.

СИНОВ ИГИНИ — 31 АВГУСТ ЭРТАЛАБ СОАТ 10.00 ДА.

Маълумотлар учун телефонлар: 44-53-50, 45-51-89) кечкурун кўнгирон қилинсин.

ХАЛҚ ИСТЕЪДОДЛАРИНИ ИЗЛАЙМИЗ!

Польшада бўлиб ўтган IX халқаро фольклор санъати фестивали ва Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ ашула ва рақс халқ ансамбллари талловининг совриндори, Тошкент шаҳар, Октябрь району 3-Маданият уйи қошдаги

«БАЁТ»

ВОКАЛ ХОРЕОГРАФИК ХАЛҚ АНСАМБЛИ СТУДИЯСИ

1991 — 1992 ўқув йиллари учун қуйидаги санъат мутахассисликлари бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ СОЗАНДАЛАРИ АНСАМБЛИ БЎЛИМИГА: доира, дутор, қашқар рубоби, прима, рубоб, тор, чанг, ғижжак, най, кўш най, кларнет, бал, аккордеон, настанъета, ногора, карнай-сурнай, қайроғ, ёғоч оёқ ва бошқа миллий чолғу асбоблари (абитуриентлар ўзларининг шахсий мусиқа асбобларига эга бўлишлари шарт);

Ўзбек халқ рақслари бўлимига: бу бўлимда асосан ўзбек классик ва халқ рақслари, шунингдек, СССР ва шарқ халқларининг миллий этнографик характердаги фольклор рақслар ўргатилиб, 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган қиз ва йигитлар қабул қилинади;

Қўшиқ-вокал мақомчилар ансамблига: бўлимда яққон хонанда-солистлар тайёрланиб, қўшиқ айтиш, овоз техникасини созилаш, майнлаштириш, силлиқ куйлаш наби зарур ҳолатлар ўргатилади.

ҲАММА БЎЛИМДА ЎҚИШ МУДДАТИ — 2 ЙИЛ.

Студия битирувчиларига махсус гувоҳнома берилади. Шунингдек, санъат ва маданият соҳасидаги олий ўқув юртиларига кирувчилар учун йўллама ҳам берилади. Студияни яхши тугатганлар эса истеъоддорларга қараб республикадаги маъжуд профессионал мусиқали драма ва комедия театрларига, давлат халқ ашула ва рақс ансамбллари ҳамда ўзбекистон ССР телевидение ва радиошарҳитириш давлат қўмитаси қўшидаги турли икюдий жамоаларига ишга юборилади.

ЭСЛАТМА: «Баёт» студиясида Тошкент шаҳрида ва шаҳарга яқин районларда яшовчилар, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларининг талабалари шунингдек ишчи-ёшлар мактаби ўқувчилари, кишлоқ, шаҳар меҳнатқашлар ва бошқа интиллиқ ўзларининг асосий ўқиш ёни ишларидан ташқари буш вақтларда қатнаб ўқишлари мумкин.

ХУЖАТЛАР ШУ ЙИЛ 10 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Октябрь району, Беруний кўчаси, М-27 (7, 16-трамвайлар; 4, 8, 20-троллейбусларнинг «Гўнча» кинотеатри бекати).

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ Ю. ГАГАРИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ТЕХНИКА САРОЙИ 1991 — 1992 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БОЛАЛАР ЖАМОАЛАРИГА:

Расм чизиш студияси, Намунавий доирачилар ансамбли, Ўзбек «ЛОЛА» рақс ансамбли.

Намунавий «ЧЕБУРАШКА» хореография ансамбли, Мактаб ўқувчилари учун эстетик тарбия гуруҳлари (пулли).

Фортепиано классси (пулли), Гитара классси (пулли), Бал рақс ансамбли (пулли), Наққошлик (ёғоч ўймакорлиги пулли).

КАТТАЛАР ЖАМОАЛАРИГА:

Халқ расм чизиш студияси, Керамика студияси, Ҳайкалтарошлик студияси, Ўзбек драма театри,

«ШЕБЪРИЯТ» халқ бадийи сўз театри, «ОРФЕЙ» вокал студияси, Ўзбек халқ рақс ансамбли, Уруш ва меҳнат ветеранлари халқ хори.

ЎЗ-ЎЗИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛОВЧИ ТУГАРАКЛАРГА:

Бичиш ва тишиш, Ўқиш муддати — 2 йил (эрталаб, кечкурун), Машинада кайта тишиш, Ўқиш муддати — 1 йил (эрталаб, кечкурун),

Қўлда ва машинада тўқиш, Ўқиш муддати — 1 йил (эрталаб, кечкурун),

Гул ясаш, Ўқиш муддати — 3 ой (эрталаб, кечкурун), Уручларда тўр тўқиш (эрталаб, кечкурун), Етигла автомобилларни таъмирлаш бўйича курслар, Ингилиз тили, Ўқиш муддати — 6 ой (бошловчилар ва ёли ўрганишни такомиллаштирувчилар гуруҳлари), Ўзбек тили,

Эски ўзбек тили (араб алифбоси), «Нисбана» клуби, Шифобахш гўёхларни йиғувчилар клуби, Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади,

ШАНБА ВА ЯҚШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА РЎЯХАТГА ЕЗИЛИШ МУМ. КИИ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг тажрибавий ҳажимли-блокли уйсозлик экспериментал комбинати қўшидаги 5-ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1991 — 1992 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШЛАРДА ИШЛАШ УЧУН ҚУВИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: бўёқчи-сувоқчи, қурилиш дурадгори, электр пайвандчи, сувоқчи-пардозловчи-плиткачи, гишт терувчи.

Билим юртига 6 ва 10 ойлик гуруҳларда ўқиш учун Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

3 йиллик гуруҳларга эса 9-синфни битирганлар қабул қилинади.

ЎҚИШ ДАВРИ ЎЗЛҒИКСИЗ МЕХНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚЎШИБ ҲИСОВЛАНАДИ.

Билим юртида 3 йил ўқиб битирганларга ўрта маълумот тўғрисида диплом ва ағаллаган касби бўйича малака разряди ҳақида диплом, 6 ой ва 10-ой ўқиганларга ағаллаган ихтисоси бўйича диплом ва малака разряди берилади.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини «Главташкентстрой»нинг қурилишларида ўтказишади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизи тўланади. Ҳамда ҳар ойда 6 ой ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига 160 сумдан, 10 ой ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига эса 80 сумдан, 3 йил ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига 40 сумдан нафақа берилади.

3 йиллик гуруҳларда ўқийдиган ўқувчилар ҳар кун 3 маҳал оғдат ва беуқл жийим-бош билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.


Билим юртини яитибали диплом билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртиларига йўллама билан ўқишга юборилади.

Билим юртида бадийи ҳаваскорлик, нақш тўғарақлари ва спорт секциялари маъжуд.

БОШҚА ШАҲАРДАН КЕЛГАНЛАРГА ЕТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асли), характеристика, ишлаб жойидан ва соғлиги ҳақида маълумотлар, 6 дона сурат (3х4 см). Билим юртининг манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Ленин району, Астрахань кўчаси, 12-уй, 5-ўрта хўнар-техника билим юрти. 66, 161, 55-автобусларнинг «57-мақтаб»; 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси»; 5, 26-трамвайларнинг «Восток» кинотеатри; 1-трамвайнинг «Дегтярев кўчаси» бекатери.

Телефонлар: 91-26-47, 91-29-50.



«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ ТАЖРИБАВИЙ ҲАЖИМИ-БЛОКЛИ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ. «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ НЕГИЗИДАГИ 14-ЎРТА ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электр-газ пайвандчи, «С» тоифали ҳайдовчи. Ўқиш муддати — 3 йил; электр газ пайвандчи; чидагар-сантехник-газ пайвандчи; автомобилларни таъмирловчи чидагар; универсал-токари; қўлда пайвандловчи электр пайвандчи.

9-синфни битирганлар учун ўқиш муддати — ўрта маълумот олиш билан 3 йил, ўрта маълумот олмаган ҳолда эса 2 йил.

11-синфни битирганлар учун ўқиш муддати барча ихтисослар бўйича 10 ой.

Совет Армияси сафидан қайтиб келганлар 6 ой ўқишлар ва ойнага 150 сумдан стипендия олади.

9—11-синф ҳажимида маълумотли 30 ёшгача бўлган йигитлар қабул қилинади.

Ўқиш даврида 3 йиллик гуруҳларининг ўқувчилари 2 маҳал беуқл оғдат, иш кийими, кундалик ва кўчалик ийним-бош билан таъминланадилар, шунингдек ойнага 40 сум ҳажимида стипендия олади.

Билим юртини битирган ўқувчиларга ўрта маълумот ва касб ҳақида диплом берилади.

Ўқиш муддати 1 йиллик гуруҳларнинг ўқувчиларига ойнага 80 сумдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчиларга 50 фоиз иш ҳақи берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕХНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚЎШИБ ҲИСОВЛАНАДИ.

Билим юртини аъло баҳоларга битирганларга олий ўқув юртига кириш пайтида иштиёб берилади, яъни улар билим юртини битирганда кейинги мажбурий ишлаб беришдан овоз қилинади.

Ўқин рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. БИЛИМ ЮРТИ БИТИРУВЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ КОРХОНАЛАРИДАН БИРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Бошқа шаҳардан келганлар етоқхона ва бутун ўқиш даври учун прописка билан таъминланадилар.

Билим юрти кўчаси у-ш, таъкинодо тўғарақлари, вокал чолғу ансамбли ва халқ чолғу асбоблари ансамбли ишлаб турибди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишади: директор номига ариза, тўғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (аттестат), таъсиснома, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва селоматининг тўғрисидаги 086/У шалдаги маълумотномалар, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 73-алоқа бўлими, Ҳамза району Оқдарб кўчаси, 122-уй, Телефон: 91-33-94

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО ВАЗИРЛИГИНИНГ ЖўМҲУРИЯТ ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

САВДО БИЛИМ ЮРТИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ «СО-ТУВЧИ» ВА «НАЗОРАТЧИ-КАССИР»ЛАРНИ ИККИ ИҶТИЛИШДА ТАЙЁРЛАЙДИ.

Баққоллик, қандолатчилик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари бўйича:

Газлама, тикув буюмлари, пойабзал, трикотаж, атторлик, атир-упа-элик, маданий-маиший ва ҳўжалик моллари.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ, 25 ЕШГАЧА БўЛГАН ўРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ 1991 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқувчиларга ойнага 80 сум стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳрининг илгор дўконлари: БОШ УНИВЕРСАЛ ДўКОНИ — «ГўМ», УНИВЕРСАМЛАРДА ўТказилади.

Билим юртни аъло баҳолар билан битирганлар совет Савдо техникумининг охириги курсига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлади.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ЕТОҚХОНА МАВЖУД. Ўқиш муддати — 8,5 ой.

КУРСЛАРНИ БИТИРГАНЛАРГА ГУВОҲНОМА ВА ДИПЛОМЛАР БЕРИЛАДИ.

Шунингдек билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— музқаймоқ ишлаб чиқариш: Ўқиш муддати 6 ой, 3 ой.

савдо автоматларини тузатиш, Ўқиш муддати — 8 ой. — безакчи декораторлар: Ўқиш муддати 2 йил.

Курсларни битирганларга гувоҳнома ва дипломлар берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГУРУҲЛАР ТУПЛАНГАН-ДАН СўНГ БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан маълумотнома, таржман ҳол, 086/У шалдаги иттибый маълумотнома, 3х4 см, катталикдаги 5 дона фотосурат, вилоят ёки район савдо бошқармасидан йўллама.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700173, Тошкент шаҳри, Аемал Икромов ноҳияси, Собир Юсуфов кўчаси, 3-уй (13, 70, 116 «Б», 45-маршрут таксиларининг «Тез ёрдам клиникаси» бекати).

Телефонлар: 75-35-86, 75-35-92.

ЗАМОНАВИЙ КАСЕЛЛАРДАН ВИРИ БўЛГАН ЭЛЕКТРОНИК КАСБИНИ ЭҶГАЛЛАШНИ ХОҲЛОВЧИЛАРНИ

«ФОТОН» ишлаб чиқариш бирлашмаси негизидagi

39-ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ (иътидор)ДА ЯШАЙДИГАН 9—11-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚУВИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

— ҚИЗЛАР УЧУН: «примўтақчилик асбоблар ва интеграл микросхемаларни йиғуви», «электрон техника асбобларини синовчи», «техника назорати бўлимининг назоратчиси»;

— ЙИГИТЛАР УЧУН: «технологик ускуналарни соловчи», «радиоэлектрон аппаратуралар монтажчиси», «кениг қамровли дастгоҳсоз»;

11-синф маълумотидаги ўқувчилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

Бўлгус мутахассислар стипендия олади. Билим юртини битирганларга тегишли касб малакасини ағаллаганлиги тўғрисидаги диплом берилади.

9-синф маълумотидаги йигитлар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини битирганларга ўрта маълумоти тўғрисидаги диплом ва тегишли касб малакаси берилади.

9-синф маълумотидаги қизлар учун ўқиш муддати — 2 йил бўлиб, улар анг янги, мажал дастурлар бўйича ўқитиладилар.

Бундан ташқари, 9-синф маълумотидаги йигитлар ва қизлар 2 йиллик тажрибавий гуруҳга қабул қилинадилар. Тажрибавий гуруҳга кирувчи ўқувчилар математика ва физикадан имтиҳон топширадилар. Тажрибавий гуруҳда ўқиниш тугатган ўқувчилар битириш имтиҳонларини топширадилар ва бу имтиҳонлар Тошкент техника дорилфунунинга кириш имтиҳонлари бўлиб ҳисобланади.

Ўқиш даврида ўқувчилар беуқл икки маҳал оғдат билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 фоиз иш ҳақи олади.

Билим юртида ўқувчиларни информатика фанига ўқитиш учун ҳисоблаш техникаси кабинети, спорт базаси бор, вокал-чолғу ансамбли, радио тўғараги ва техника икюдийи тўғараги, бокс, таъкивано секциялари ишлаб турибди.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ленин району, Абу Сулаймон Ёнакатий кўчаси, 17-уй, илгарини «Весна» кўчаси (26, 52, 68-автобусларнинг «2-Ўзбон» бекати; 1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати).

Телефонлар: 91-14-51, 93-09-73.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ БЎЛИМЛАРИДА САЊЛАНЕТГАН АВТОМОБИЛЬ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАРИ БЎЙИЧА

4-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖ 1991 ЙИЛ 9 АВГУСТДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ўЙНАЛДИ. ТИРАЖДА ОМОНАТЛАРГА «ЖИ-ГУЛИ» МАРКАСИДАГИ 7 ТА АВТОМАШИНА ЮТУҒИ ЧИҚДИ.

ЮТУҚЛАР ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ БЎЛИМЛАРИДА САЊЛАНЕТГАН ҚУВИДАГИ СЧЕТ НОМЕРЛАРИГА ЧИҚДИ:

Table with 3 columns: Шаксий счёتلар номери, Жамғармалар банки бўлимининг номери, Тошкент шаҳридаги Жамғармалар банки бўлимининг номи

Ютуқларни олиш учун мақсадли ҳисоб-китоб чекларини яшаш жойингиздаги шаксий счётигиз сақланаётган жамғармалар банки бўлимидан олишингиз мумкин.

Халқ депутатлари Сирғали район икюрия комитетининг раиси Қ. ИЗЗАТУЛЛАЕВ.

Тираж комиссиясининг маъсул котиби — СССР Жамғармалар банки Тошкент шаҳар бошқармасининг Жамғармалар бўлими бошлиғи Л. ОТАМИРЗАЕВА.

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

КИНО МУҲЛИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА! КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ

1991 ЙИЛ 19 АВГУСТДАН

Тошкент шаҳри кинотеатрларининг экранларига ФРАНЦУЗ КИНЕМАТОГРАФИЛАРИНИНГ ЯНГИ

«БУМ»

БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ.



«Балогатга етиш даври Усмирларнинг» ўзи учун ҳам, уларнинг ёнидагилар учун ҳам ташвишларга бой қийин даврдир. «БУМ» енгил лирик комедиясида ана шу кечинмалар ва улар билан боғлиқ англашилмовчиликлар хуштабат қаҳрамонларнинг бутун бир гуруҳини — мактаб ўқувчиларини, ота-оналарни, ўқитувчиларни бирлаштиради.

Сценарий муаллифи — ДАНИЕЛЬ ТОМПСОН. Вик ролия актриса Софи Марсо ижро этган. У ана шу фильмдан сўнг назарга тушган энг ёш актрисалардан бири бўлиб қолди.

КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.



Чилонзор району халқ таълими бўлими, халқ таълими ва фан ходимлари насаба уюшмасининг район қўмитаси ҳамда 162-мактаб муаллимлар жамоаси шу мавзанинги математика ўқитувчиси А. Орплова онаси Хатира ШАМСУДИНОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Чилонзор ноҳия халқ таълими бўлими, халқ таълими ва фан ходимлари насаба уюшмасининг район қўмитаси ҳамда 162-мактаб муаллимлар жамоаси шу мавзанинги рус тили ўқитувчиси Н. Фаёлова онаси Шариф ФАҶИЕВНИНГ